Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
8 август
ШАНБА
№ 63 (12803)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## МУҲТАШАМ БИНОЛАР, РАВОН ЙЎЛЛАР

**Ўзбекистон дунё ҳамжамияти ва экспертлари томонидан иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги муттасил ортиб бораётган давлат сифатида такрор ва такрор эътироф этилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимиз бугун ҳар томонлама тараққий этган давлатлар қаторидан жой эгаллади. Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан яхшиланди. Бу албатта, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган тизимли ва кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг изчил давом этаётганининг самарасидир.**



Мамлакатимизда аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида шаҳар, йўл ва кўприксозлик борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Вилоятимизда ҳам ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, кичик бизнесни ривожлантириш баробарида тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, миллий ва замонавий меъморчиликни уйғунлаштирувчи муҳташам бинолар ҳамда жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган вилоятимизнинг кўплаб тарихий ёдгорликларида улкан тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Зангиота тарихий-меъморий мажмуасидан мисол. Тор ва тирбанд кўча қаршисида жойлашган чоғроққина мажмуа ҳамиша зиёратчи ва сайёҳлар билан гавжум бўлиб, реконструкциядан аввал бу жойларда техника ва келиб-кетувчилар учун ноқулайликлар талайгина эди. Бугун эса, яқиндагина тугалланган таъмирлашдан сўнг зиёратгоҳнинг 31 метрли кўркам минораси, 750 кишига мўлжалланган муҳташам масжид, ҳовлидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўзни қувонтиради. Қолаверса, обида қаршисида пиёдалар учун кенглиги 6, узунлиги 48 метрли, умумий қиймати 11 миллиард 266 миллион сўмлик ер ости ўтиш йўли, шунингдек, мингдан зиёд автоуловларни сиғдира оладиган 2 та автомобиллар тўхташ жойининг фойдаланишга топширилиши қатор қулайликлар яратди. Бундан ташқари, турли манзарали дарахтлар экилиб, замонавий сув пуркаш ҳамда суғориш тизими барпо этилди. Йўл бўйлаб қад ростлаган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларию, зиёратгоҳ қаршисида барпо этилган ҳунармандлар савдо расталари ҳам мажмуага кўрк бағишламоқда.

– Ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётганимга ўн йилча бўлди, – дейди Зоҳида Тўхтабоева. – Авваллари, бу каби савдо мажмуаси у ёқда турсин, тайинли расталар ҳам йўқ эди. Шунинг учун дуч келган жойда, гоҳ зиёратгоҳ ичида, гоҳ ташқарисида, яна ерда савдо қилардик. Бу ҳам бизга, ҳам харидорларга ноқулайлик туғдирарди. Ҳозир эса, кўриб турганингиздек барча шарт-шароитлар муҳайё.



Зангиота зиёратгоҳи ҳудудидан ўтувчи йўл ҳам янгитдан таъмирланди. М34 "Тошкент – Душанбе" автомобиль йўли ҳозир 1-тоифали йўл талабларига тўлиқ жавоб беради. Таъмирланган йўлнинг узунлиги 9 километр бўлиб, шундан 4 километри вилоятимизга тегишли. Авваллари 3 полосали йўлнинг торлиги ҳайдовчиларга, айниқса, зиёратчи ва сайёҳлар учун ноқулайлик туғдириб, тирбандлик ҳосил бўлар эди. Ҳозир эса кенглиги 16 метр бўлган 4 полосали, зиёратгоҳнинг олди қисми эса 23 метрдан иборат 6 полосали қилинди. Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ажратувчи панжаралар ўрнатилди. Шунингдек, йўл бўйидаги ёритгичлар янгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Ким эдигу, ким бўлдик?!

## БИЛАГИ ЗЎР БИРНИ, ТАДБИРИ ЗЎР МИНГНИ...

**Мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил тараққий этишида халқимиз турмуш тарзига сингиб кетган, ривожланган давлатлар амалиётида ўзини тўла оқлаган хусусий мулкчилик муносабатларини шакллантириш ва уни ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида хусусий секторда атиги уч фоиз аҳоли банд бўлгани, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик ҳукмрон мафкура томонидан кескин қораланганини эсласак, мустақиллик йилларида ушбу тармоқда нақадар улкан марраларга эришилгани яққол намоён бўлади.**

### «Бегона» одам

Республикамиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан аҳолига ўз шахсий хўжалигини йўлга қўйиш учун ер участкалари ажратиб бериш ҳақидаги Фармонни (1989 йил) Янгийўл туманининг Нов қишлоғида яшовчи Қурбон Кенжаев ҳам кўпчилик қатори зўр хурсандлик билан кутиб олди.

Узоқ йиллар колхозда ишлаган, лекин "меники" деган сўзни айтишдан қўрқиб яшаган Қурбон ака томорқасида сабзавоту мева-чева етиштирар, кези келганда қўни-қўшнининг ерларини обод қилиб, экин-тикин қиларди. Қишлоқ дўконларидаги сифатсиз мева-сабзавот олдида Қурбон аканинг сархил маҳсулотлари тансиқ ҳисобланарди. Тоталитар тузум шахсий мол-мулкдан тижорат мақсадида фойдаланишни қоралаган, мулкка эгалик туйғусини барҳам топтирган даврда Қурбон ака сингари кишиларнинг бу хилдаги тадбиркорлиги кўпчилик учун бегона эди. Бошқача айтганда, Қурбон ака қишлоқдошлари орасида гўё "бегона" одам эди.

– Бир куни қўшним мендан ҳовлисидаги бир неча туп мевали дарахт ҳосилини сотиб беришни сўради, – деб хотирлайди Қ. Кенжаев. – Меваларни териб, ҳар қанча қаршилик қилмасин, унинг ўзини ҳам бозорга етакладим. Қўшним пештахта олдидан ҳадеганда йўқолиб қолар, ҳали сув ичдим, ҳали овқатландим дея баҳона қилиб, ўзини олиб қочарди. Унинг юз-кўзидан савдо қилишдан ор қилаётгани кўриниб турарди...

Ҳа, собиқ тузум даврида ўтмишга бўлган бир ёқлама ёндашув оқибатида халқимизнинг азал-азалдан ердан унумли фойдаланиб, деҳқончилик, боғдорчилик ишларида ва савдо-сотиқда катта малакаю тажрибага эга бўлгани унутилган эди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ биз танлаб олган йўл – кўп жиҳатдан хўжалик соҳасидаги анъаналарни ва урф-одатларни сифат жиҳатидан янги негизда қайта тиклаш, аҳолида бозор муносабатларига хос иқтисодий тафаккурни ривожлантиришдан иборат эканини таъкидлаган.

Биз учун мутлақо янги соҳа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шиддат билан ривожланиб, иқтисодиётнинг локомотивига айланишида хусусий мулкка эгалик, манфаатдорлик, ташаббускорлик ва ишбилармонлик муҳити ва туйғуси пайдо бўлгани муҳим аҳамият касб этди.

### Иқтисодиёт барометри

Муайян мамлакатдаги ишбилармонлик муҳити аввало кичик бизнесга яратилган шарт-шароитлардан келиб чиқиб баҳоланади. Ташқи сармоядорлар бирор давлатга инвестиция киритишдан олдин кичик бизнеснинг ривожланганлик даражасини ўрганишида ҳам катта маъно бор. Уларнинг фикрига кўра, бу иқтисодий ислоҳотларнинг инъикоси, бозор иқтисодиёти жараёнлари барқарорлигининг кафолати саналади. Бинобарин, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам кичик ва хусусий бизнес ҳал қилувчи куч бўлиб қолаётир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли китоби "Ўзбекистон" нашриёти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди.**

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан юксак эътироф этилгани ва якдиллик билан қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

(Давоми 2-бетда).

**"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати Саховат уйида тадбир ташкил этди. Комбинат ташаббуси ва моддий ёрдами билан Саховат уйида яшаётган кексалар учун янада қулай шароитлар яратилди.**

## КОМБИНАТНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Бу ерда беш марталик овқатланиш ташкил этилиб, қарияларга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, кексалар "Металлург" шифохонасида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 19 нафари мазкур шифохонада диспансеризациядан ўтказилиб, бепул ногиронлик аравачалари ва эшитиш аппаратлари билан таъминланди. Шунингдек, комбинатнинг санаторийсида бир гуруҳ нуронийлар бепул дам олишди. 506 пенсионер эса имтиёзли шароитда соғломлаштирилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**



Семинар

## АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК



**Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида вилоят халқ таълими бошқармасининг анъанавий август кенгашлари ва шўъба йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган республика ўқув семинари бўлиб ўтди.**

Ўқитувчиларнинг янги ўқув йилига тайёргарлигини ташкил этиш, ўқув йили учун энг долзарб йўналишларни белгилаб олиш, ҳудудий бошқарув идоралари ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг масъулияти, омилкорлиги ва ташаббускорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Республика таълим маркази, вилоят халқ таълими бошқармаси, Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мутасаддилари, ўқитувчи, методист ва мактаб раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтган тадбирда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўқувчиларнинг билимларни пухта ўзлаштиришида ўқитувчи олдида турган долзарб вазифалар, вилоятимиз ўқитувчи ва ўқувчиларининг республика

(Давоми 2-бетда).

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# МУҲТАШАМ БИНОЛАР, РАВОН ЙЎЛЛАР

– Зангиотага тез-тез зиёратга келиб тураман, – дейди самарқандлик Алишер Раҳмонов. – Аммо, ушбу сафаримда бу жойларни умуман таниёлмай қолдим. Чунки, менга таниш бўлган зиёратгоҳ биноси, тор ва ҳамиша тирбанд кўча, йўл бўйлаб жойлашган пастқам лойсувоқ уйлар ҳайратланарли даражада ўзгарибди.

Бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, ўзбек меъморчилигида бошланган янги даврнинг нафаси шаҳар марказларидан тортиб, олис қишлоқларгача кириб борганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳа, бугун вилоятимизнинг қайси бир қишлоғига борманг, муҳташам коллежу мактаблар, спорт заллари, намунавий турар-жойлар, ҚВП, савдо марказларига дуч келаверасиз. Шу ўринда, Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул ва Октепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган 135 та икки ва уч қаватли замонавий иншоотларнинг вилоятимиз кўркига кўрк қўшаётгани, аҳоли учун қатор қулайлик ва имкониятлар яратаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Эътиборлиси, Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бошланган Ўрта Чирчиқдаги сингари намунавий кўчаларни қуриш жараёни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида жадал давом этмоқда.

Вилоятимизнинг янгича қиёфа касб этишига замин яратган Президентимизнинг мазкур Қарори нафақат кўркам, пишиқ ва пухта бинолар қурилишида, балки йўл инфратузилмасини ҳам тубдан яхшилашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Йўлсозларимиз "Katerpiller", "Virtgen", "Jibxerr", "Xamm", "Fogele", "ABG", "Daynapak", "Hitachi", "Komatsu", "Kato", "Nissan" каби хорижий компанияларнинг замонавий техника ва ускуналаридан кенг фойдаланиб, текис ва равон йўллар бунёд этаётир.

Чунончи, вилоятимиз ҳудудида жами 3950 километр умумий, шундан 400 километри халқаро, 1236 километри давлат ва 2314 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллар бўлиб, ўтган йиллар мобайнида Тошкент – Андижон – Ўш, Тошкент – Самарқанд – Бухоро ҳамда вилоятимизнинг Тошкент – Чимён – Чорвоқ йўллари реконструкция қилиниб, биринчи тоифага ўтказилди. Биргина Тошкент – Чимён – Чорвоқ йўлларини таъмирлаш учун 2 миллиард 924 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, Паркент – Заркент – Сўқоқ автомобиль йўлининг 10 километрли қисми 1 миллиард 65 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ эвазига тўлиқ таъмирланди.

– Ишим водий билан боғлиқ бўлгани учун, умримнинг деярли ярми шу йўлларда ўтган, – дейди оҳангаронлик Зариф Рўзиев. – Авваллари тик тоғ йўлларига кўтарилиш қийин, камига ўнқир-чўнқирлиги асаб ва машинанинг заволи эди. "Қамчиқ" ва "Резак" туннелларининг қурилгани айни муддао бўлди. Энди йўлда ортиқча вақт йўқотмаймиз.



Кенг, текис ва равон йўллар одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, ортиқча вақт йўқотиш ва асаб бузилишининг олдини олиш баробарида, йўл ҳаракати билан боғлиқ ҳодисаларнинг камайишига замин яратди.

– Ўтган йилнинг дастлабки етти ойи билан жорий йилнинг мос даври taққослaнганда, йўл-транспорт ҳодисалари 1,5 фоизга камайди, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл назорати бўлими бошлиғи Эркин Раҳмонбердиев. – Айниқса, болалар иштирокида содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг 16,9 фоизга камайгани қувонарли ҳол. Албатта, бу давлатимизда йўл ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Болалигимизда бобо ва момоларимиздан "йўл азоби – гўр азоби" деган иборани кўп бор эшитганмиз. Аммо, бугун бу ибора ёддан чиқмоқда. Чунки, йўл қурилиши ва таъмирланиши борасида амалга оширилаётган кўламли ишлар натижасида йўллар одамларга азоб эмас, маданий ҳордиқ бағишлаяпти. Жамоат транспорти самарадорлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар эса йўловчининг узоғини яқин қилиб, қадамлик масофани қаричларданда қисқартирди.

– Вилоятимизда 602 та йўловчи ташиш йўналиши мавжуд, – дейди вилоят транспорт департаменти бошлиғи Шуҳрат Назаров. – Ушбу йўналишларда аҳолимизга 1085 та автобус, 1182 та микроавтобус ва 2597 та енгил автомобиль, жами 4864 та лицензияланган транспорт воситалари хизмат қилмоқда.

Вилоятимиз бўйлаб жамоат транспорти фаолиятини янада яхшилаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда ҳам Президентимизнинг юқорида келтирилган Қарори муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Қарорга мувофиқ 2013-2015 йиллар мобайнида 150 та ISUZU русумли автобуслар олиниб, белгиланган йўналишларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу йиллар давомида аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, 42 та йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилди.

– Йигирма чоғли йигитлар билан автобуснинг қора тутунига бурканганча қирма-қир гоҳ созлаб, гоҳ тортиб, манзилга етолмаган пайтларимиз кўп бўлган, – дейди паркентлик Ашраф бобо Ниёзов. – Энди ўйласам, шаҳарга биз автобус миниб эмас, автобус бизни миниб борган экан. Шукрки, бугун ҳар икки оиланинг бирида енгил автомобиль, кўча тўла автобусу микроавтобус.

Ҳа, бугун дунёда ривожланишнинг "ўзбек модели" деб эътироф этилаётган, Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиёт дастури ҳар қадамда, ҳар жабҳада бўй кўрсатмоқда. Дунёда рўй бераётган иқтисодий бўҳронлар пайтида ҳам осмони мусаффо, тинчлиги бардавом давлатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, халқимизнинг ҳаёти кундан кун яхшиланиб бормоқда.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Мансур НАХАЛОВ,**
**Қобилжон ҒОФУРОВ**
**(суратлар),**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбирлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: "Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим".

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалага халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, теран қиёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик – буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мужассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

# АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

танловларидаги муваффақиятли иштироки, шунингдек, соҳада йўл қўйилаётган айрим камчилик ва муаммолар тўғрисида сўз юритилди. Семинар иштирокчилари бошланғич таълим сифатини ошириш омиллари, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни оммавий спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, имконияти чекланган болаларга сифатли таълим-тарбия бериш ва ота-оналар қармоғидан маҳрум болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, умумтаълим фанларини ўқитишга замонавий ёндашув, педагогларнинг "Маҳорат мактаби" ҳамда методистларнинг "Методист мактаби" фаолиятини самарали йўлга қўйиш, чет тили фанларини ўқитишга замонавий ёндашув, умумтаълим фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш каби мавзулардаги шўъбаларга бўлиниб, машғулотларни давом эттиришди.

Семинар сўнгида мутахассислар методист ва ўқитувчиларга август кенгашларини ўтказиш билан боғлиқ тавсиялар беришди.

**Аваз БЕКОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КЎЧМА МАЪРИФИЙ ДАСТУРЛАР

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ва Ўзбекистон болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси ҳамкорлигида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида "Тенгдош-тенгдошга" туркумидаги семинар-тренинглар ўтказилди.**

Бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизматидан хабар қилинишича 50 дан ортиқ оромгоҳларда ташкил этилган тренингларда 120 мингга яқин болалар иштирок этди.

Маърифий дастурлар давомида болажонларга Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги" Қонуни кенг тарғиб этилиб, ватанпарварлик туйғуси, жисмоний имконияти чекланган болаларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга бағишланган машғулотлар ташкил этилди.

Шунингдек, семинар-тренинглар доирасида жисмоний имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий ва халқаро стандартлар, фикрлаш ва намунавий хулқ-атвор, инсоний фазилатларга оид суҳбатлар ўтказилди.

**"Туркистон-пресс".**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

**Тўқсон икки ёшни қаршилаётган Оҳангарон тумани Янгиобод қишлоғилик Бекмирза ота Абдусаломов нафақат оиласининг, балки маҳалланинг дуогўйи. Ҳеч бир тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди. Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган отахон бутун умр ҳалол меҳнат қилди, турмуш ўртоғи билан етти фарзандни вояга етказди. Айни пайтда 24 набира, 44 чеваранинг суюкли бобожониси билан суҳбатлашсангиз, бугунги дориламон кунларнинг шукронасидан сўзлайди.**



– Бу бош не кунларни кўрмади, – дейди отахон. – Бугун замон ўзгарди. Ишлаш учун, яшаш учун барча шароитлар яратилган. Мана, бизнинг қишлоқни олинг. Одамларнинг турмуши тобора обод бўлиб бормоқда. Ёшу кекса давлатимиз эътиборида. Шунинг учун фарзанду набираларимга бугунги тинчлик-осойишталик, фаровонлик, тўкин-сочинликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш зарурлигини уқтираман.

– Ҳудудимизда 395 отахон ва онахон истиқомат қилади, – дейди "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сиддиқжон Парпиев. – Ҳар бир кексанинг соғлиғи ва яшаш шароити доимо эътиборда. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида туман ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳудудимиздаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган кексаларимиз истиқлол туфайли халқимиз тинч ва фаровон турмуш кечираётгани, давлатимизнинг фахрийлар ва навқирон авлод камолоти йўлидаги эътибор ва ғамхўрлигини ёшларга кенг тушунтиришмоқда. Бу эса фарзандларимизни элюртга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Юлдуз ИСАЕВА.**
**Мансур НАХАЛОВ**
**олган сурат.**

# «#ILOVEUZBEKISTAN» ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "#ILOVEUZBEKISTAN" ёшлар фестивалини ташкил этади.**

Бу ҳақда "Ёшлар ижод саройида" ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди. Унда таъкидланишича, 11-15 август кунларига мўлжалланган фестиваль ва унинг доирасида ўтадиган тадбирларда давлат мукофотлари, шу жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг йирик лойиҳаларида ғолиб бўлган 300 нафарга яқин ёшлар иштирок этадилар.

**"Туркистон-пресс".**

Ким эдигу, ким бўлдик?!

# БИЛАГИ ЗЎР БИРНИ, ТАДБИРИ ЗЎР МИНГНИ...

Маълумотларга кўра, Европанинг бир қатор давлатларида аҳолининг катта қисми ушбу тармоқда банд бўлса, барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қайд этилаётган Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапурда кичик бизнес иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан шакллантирилаётган Японияда иш билан банд аҳолининг 80 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Дунё иқтисодиётидаги жараёнларни кузатар эканмиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ихчам ва ҳаракатчан, бозор ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжига тез мослашувчан тармоқ сифатида нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, балки юз бериши мумкин бўлган турли инқирозлардан чиқиб кетишда ҳам катта аҳамиятга эга эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиётида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ҳамда юмшатишда қанчалик муҳим роль ўйнаганини эслаш кифоя.

## Барчамизга дахлдор

Бугун мамлакатимизда ҳар бир хонадон, ҳар бир оила кичик бизнесга дахлдор – кимдир фермер хўжалиги, кимдир ишлаб чиқариш, кимдир хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари, яна кимдир "патент" олиб тижорат билан шуғулланмоқда. Опа-сингилларимиз касаначилик асосида бизнесни йўлга қўйган бўлса, коллежни битираётган ука-сингилларимиз имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликнинг янги йўналишларига қўл урмоқда. Тўғри-да, бизнес қилиш учун шарт-шароит тобора яхшиланаётганини кўриб, кимнинг ҳам тадбиркорлик қилгиси келмайди дейсиз?!

Пойтахтлик Камолиддин Яҳёев ҳам бизнес учун яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлардан.

– 2000 йили корхона очиб, аёллар ва болалар кийими ишлаб чиқаришни бошлагандик, – дейди К. Яҳёев. – Тадбиркорларга қўлланилаётган имтиёз ва преференциялар самарасида корхонамизга Европадан энг замонавий дастгоҳларни келтириб ўрнатдик. Натижада маҳсулотларимиз рақобатбардошлиги ортиб, ходимлар сони икки юзга етди.

Кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизими жорий этилгани соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори Содиқ Боймуродовнинг таъкидлашича, йирик корхоналар учун ўнга яқин солиқ тури кўзда тутилган бўлса, кичик тадбиркорлар фақат ягона солиқ тўлаш билан чекланади. Бундан ташқари, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш муддатларида ҳам имтиёзлар белгиланган. Хусусан, ҳар ойда ҳисобот топширадиган йирик корхоналардан фарқли равишда кичик бизнес вакиллари ҳар чоракда бир марта ҳисобот топширади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш каби вазифаларга йўналтириладиган маблағлар ягона солиқ тўлови суммаси беш йил давомида камайтирилиши белгиланган.

– Солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш жараёнининг электрон шаклга ўтказилиши фаолиятимизда жуда қўл келмоқда, – дейди пойтахтимиздаги "Asia Candy" корхонаси бош ҳисобчиси Галина Ивлева. – Авваллари ҳисоботларни топшириш учун солиқ ва статистика идоралари олдида тумонат одам йиғилар, баъзан навбат кутиб тонгни тунга улардик. Мабодо бирор англашилмовчилик бўлиб қолгудек бўлса, ишхонага бориб келинар ва яна қайтадан навбатга туриларди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг назорат органлари фаолиятига кенг жорий этилиши туфайли 98 фоиз тадбиркорлик субъекти солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш ва божхона декларацияларини расмийлаштиришни электрон шаклда амалга оширмоқда. "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази маълумотларига кўра, тадбиркорликка оид кўплаб давлат хизматларини ўзида жамлаган Ягона интерактив давлат хизматлари порталига келиб тушган мурожаатларнинг 55 фоиздан ортиғи юридик шахслар томонидан тақдим этилгани кичик бизнес вакилларининг автоматлаштирилган тизимга қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Тижорат банклари томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган кредит ресурслари миқдори ҳам тобора ошиб бормоқда. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайиб, биргина 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ, жумладан, қарийб 2 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Дунё бозорига чиқиш муайян сарф-харажат, хорижий мамлакатлар бозоридаги вазият ва тегишли қонунчиликни ўрганишни талаб қилади. Кичик корхоналарда ресурслар доим ҳам етарли бўлавермайди. Бу борада Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг хизмати салмоқли бўлаётир.

Жамғарма томонидан 2014 йилда 2 минг 400 тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини экспорт қилиш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилди.

– Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони тадбиркорлик субъектларига кенг эркинлик бериш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида янги босқични бошлаб берди, – дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Актам Муҳаммадиев. – Фармон асосида "бир дарча" фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳозирги кунда етмишдан зиёд давлат ташкилоти томонидан тақдим этиладиган рухсат бериш характеридаги ҳужжатлар, лицензиялашга доир ва бошқа давлат хизматларини тадбиркор ортиқча югур-югурларсиз битта жойдан олиш имкониятига эга бўлади.

## Дунё эътирофи

Ислоҳотлар самарасида 2000 йилда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич АҚШ, Япония ва Германия даражасига тенглашиб, 56 фоизга етди. Яратилаётган ҳар иккинчи иш ўрни, ишлаётганларнинг ўнтадан саккизтаси кичик бизнес соҳасида банд экани тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўзини тўла оқлаётганидан далолат беради.

БМТ Тараққиёт дастурига мувофиқ бизнес юритишни енгиллаштиришда амалга оширилган ислоҳотлар бўйича Ўзбекистон дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторидан жой олгани мамлакатимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижаси жаҳон миқёсида эътироф этилаётганини кўрсатади.

Шу ўринда Латвиядаги "Очиқ шаҳар" журналида чоп этилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивига айланмоқда" мақоласидан айрим иқтибосларни келтириб ўтиш жоиз: "Бугун Ўзбекистонда кичик бизнеснинг бозорга кириб келишига ҳеч қандай тўсқинлик йўқ, – деб ёзади мақола муаллифи Татьяна Фаст. – Айрим мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда қўшма корхона ташкил этиш мажбурий ҳисобланмайди. Мамлакатда 100 фоизлик хорижий корхона ташкил этиб, барча имтиёзларга эга бўлиш мумкин. Ўзбекистонда саноат соҳасидаги кичик корхоналар атиги 5 фоиз ягона солиқ тўлайди. На қўшилган қиймат солиғи, на ер ва на мол-мулк солиғи бор. Давлат ривожланишга, айниқса, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга эътибор қаратган корхоналарни доимо, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди".

Дарҳақиқат, чорак аср муқаддам гугурт чўпини ҳам четдан олиб келишга мажбур бўлган Ўзбекистон бугун ялпи ички маҳсулотининг ўсиши мунтазам саккиз фоиздан кам бўлмай келаётган, аҳоли турмуш даражаси муттасил юксалиб, фаровонлиги ортаётган, тадбиркорлари ишлаб чиқарган рақобатбардош маҳсулотлар наинки ички эҳтиёжни тўла қоплаётган, балки экспорт қилинаётган улкан салоҳиятли, қудратли давлатга айланди. Истиқлолнинг дастлабки кунларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ривожланишнинг машҳур беш тамойили маҳсули бўлган бу ўзгаришлар, бугун бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида тан олинмоқда, ўрганилмоқда. Бу барчамизга фахру ғурур бағишлайди, шу билан бирга бу жараённи янада ривожлантириш, тараққий эттириш учун муносиб ҳисса қўшишга даъват этади. Зеро, кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага бизни қандай янги марралар кутмоқда, деган даъват ана шуни талаб қилади.

**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Орамиздаги одамлар

# КАФТДАГИ ЖОН

**Дунёда мўъжизалар бисёр. Биз уларга кўпам эътибор беравермаймиз. Ахир қил устида турган жонни ҳаётга қайтариб, зулматдан ёруғликка чиқишига ёрдам бериш мўъжиза эмасми? Ҳаётда бундай мўъжизага қодир одамлар кўп. Улар ўз илму аъмолига муносиб оппоқ халат кийиб юришади ва унга доғ туширмасликка ҳаракат қилишади. Кўплари бунга эришадилар...**



Пискентлик шифокор Саиднўъмонхон ва Дилбар Маърипова ўғиллари Саидазизхон туғилганида унинг ҳам ўзлари каби эл саломатлиги йўлида холис хизмат қилувчи оқ халат соҳиби бўлишини жуда-жуда хоҳлашган бўлса керак. "Яхши ният – ярим давлат" дейишади. Ички касалликлар бўйича етук мутахассис ота, кўз, қулоқ, бурун соҳаси бўйича юқори малакали шифокор она тарбиясини олган Саидазизхон бугун қўли енгил шифокор сифатида улар орзусини рўёбга чиқарди. Ёш бўлишига қарамай, Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида ўз ўрни ва эътиборига эга кичик илмий ходим Саидазизхон Саидаҳмадхонов фидойилиги, самимийлиги билан одамлар меҳрини қозонди. Шунданми, ҳар тонг ташрифини интиқлик билан кутувчи беморлар дуоси ёш шифокорнинг қатъиятини, ўзига бўлган ишончини орттиради, янада фидойилик билан ишлашга ундайди.

– Тасодиф туфайли қўл-оёқ суякларим шикастланди, – дейди меҳнат фахрийси Тўлқин Абдуазимов. – Ўзингизга маълум, кекса одамнинг суяклари мўртлашиб қолади, тузалиши қийин бўлади. Саидазизхон мени шу азоблардан қутқарди дейишим мумкин. Унинг тўғри, малакали муолажалари жонимга малҳам бўлди, тез орада оёққа турдим. Отасига раҳмат, илоҳим кам бўлмасин.

– Саидазизхон ўз ишини пухта биладиган иқтидорли ёш шифокорларимиздан, – дейди шикастланиш асоратлари бўлими раҳбари Шавкат Мирзаев. – Мактаб, лицей, тиббиёт академияси, ординатура, аспирантурани аъло баҳолар билан тугатиб, ҳозирги кунда касб сирларини бошқаларга ҳам ўргатмоқда. Қолаверса, истиқлол берган имкониятлар, замонавий тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланаётган ғайрат-шижоатли ёшларимизнинг касбига муҳаббати ва садоқати, албатта, бесамар кетмайди. Улардан шифо топиб, оёққа тураётган беморларнинг яхши тилаклари, дуолари ҳам ишларининг бароридан келишига сабаб бўлади.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

Саломатлик

# БОТУЛИЗМ ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

**Ёз фаслида уй бекалари мева ва сабзавотлардан турли консервалар тайёрлайдилар. Уй шароитида тайёрланган бу маҳсулотларни баъзан сифатига эътибор бермай истеъмол қилиш оқибатида кутилмаган нохуш ҳолатларга дуч келиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Оқибатда ботулизм касаллиги келиб чиқади.**

Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган оғир касалликдир. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечиб, асаб-мушак парези ва фалажига олиб келади. Баъзи ҳолларда эса ўлимга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ботулизм таёқчасининг қаерда бўлиши ҳалигача номаълум, бироқ у жуда заҳарли токсин ажратади. Унинг споралари озиқ-овқат маҳсулотлари қайнатилганда ҳам, узоқ муддатгача музлатилганда ҳам ривожланиши ва токсин ҳосил қилиши мумкин. Уларга 180-190 даражали совуқ ҳам таъсир кўрсатмайди.

Ботулизм таёқчалари ташқи муҳит – сув, тупроқ, мева ва сабзавотларда кўп тарқалган бўлиб, консерва тайёрлаш технологиясига риоя қилмаслик оқибатида, гўшт ва балиқ дудланганда, колбаса ишлаб чиқарилганда, ҳатто ҳаво кирмайдиган шароитда ривожланиб, ўзидан кучли заҳар ажратади. Мева ва сабзавотлар қишки мавсум учун тайёрланаётганда эскирган маҳсулотлар ишлатилса, маринадга 10 фоиздан кам ош тузи қўшилса ва улар ҳаво алмашмайдиган, иссиқ жойларда сақланса ҳам ботулизм таёқчаси ривожланиб, ўзидан заҳарли токсин чиқара бошлайди. Натижада, идишларнинг қопқоғи кўтарилиб, маринад суви лойқаланади. Мева ва сабзавотлар эса, юмшаб қолади. Айрим ҳолларда қопқоғи очилганда, маҳсулотларга хос бўлмаган саримсоқ ёки куйдирилган ёғнинг ҳиди келади.

Одатда касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг кўнгли айнийди, қусади, ошқозонда оғирлик сезади, оғиз қурийди, ҳолсизланади. Кўпинча кўзи хиралашади, туман ёки "тўр" пайдо бўлиб, нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринади. Касалликнинг оғир кечувчи шаклларида беморга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиб, танасига махсус зардоблар юборилмаса, юрак фаолияти ва нафас олиш жараёни кескин бузилиши оқибатида бемор ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Чунки, ботулизм таёқчасидан ажралган заҳарнинг марказий асаб тизимига бевосита таъсири ўта хавфлидир.

Ушбу касалликнинг белгилари пайдо бўлганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Касалликнинг олдини олиш мақсадида уйда технологик жараёнлар етарли бўлмаса, консерва тайёрламаган маъқул.

Мевалардан тайёрланган мураббо, сабзавот тузламаларини сирланган ва оғзи зич бекиладиган, озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган идишларда сақлаш лозим. Шунингдек, бозорлардан сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатларсиз, номаълум уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларини сотиб олиб, истеъмол қилиш ўта хавфлидир.

Дўконларда маҳсулот харид қилаётганда ёрлиқларига эътибор бериш, тайёрловчи корхонанинг номи, манзили, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати кўрсатилган бўлсагина, харид қилиш лозим.

**Озода ҲОШИМОВА,**
**вилоят ДСЭНМ мутахассиси.**



Партиялар ҳаёти

# АНИҚ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган вазифалар ижроси устидан вилоятда депутатлик назорат-таҳлил фаолияти қандай кечаяпти? Шу саволга жавоб топиш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши раиси Тўлқин Файзиев билан суҳбатлашдик.**

**– Ўтган даврда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолияти қандай кечди?**

– Давлат дастури ва қонунлар ижроси ҳамда партия электоратининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги, шунингдек, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга бағишланган 55 та назорат-таҳлил, 61 та депутатлик сўрови, 45 та депутатлик эшитувлари ўтказилди. Шунингдек, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига 16 та масала киритилиб, шундан 7 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**– Вилоятда паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан ишламаётган давлат корхоналарини қайта тиклаш ва улар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш қандай бораяпти?**

– Паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналар негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан "ноль" қийматда сотиш белгиланган 206 та давлат объектларидан 122 таси амалда реализация қилинди. Шулардан 11 тасига инвестиция мажбуриятини бажаргани учун давлат ордери берилди.

Шу йил 1 июлда бўлиб ўтган танлов савдоларида 35 та объект сотилгани сабабли шартномалар расмийлаштирилмоқда. Эндиликда 76 та давлат объектида инвесторлар мониторинг ўтказмоқда. 2015 йилнинг июль ҳолатига 29 миллиард 640 миллион сўмлик инвестициялар киритилган.

**– Вилоят кенгашида 26, туман ва шаҳар кенгашларидаги 206 депутат вазифаларини сидқидилдан бажаришаяптими?**

– Депутатлар фаолиятини жонлантириш мақсадида фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ва уларнинг маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда парламент фракцияси билан ҳамжиҳатликда семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Ушбу тренингларда партия электорати вакилларига кундалик ҳаётдаги ижтимоий масала ва муаммоларни ечишга кўмаклашиш, жойлардаги қонун ва бошқа Давлат дастурлари ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратларини ўзаро ташкиллаштириш бўйича амалий ва назарий билимлар берилмоқда.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Наргис ҲАСАНОВА суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгаши ташаббуси билан Зангиота тумани Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чиқариш марказида "Одам савдосидан огоҳ бўлинг!" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда вилоят шаҳар ва туманлари депутатлари, партия ва маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.**

# ДАВР МУАММОСИ

– Халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига таҳдид қилаётгани боис жабр чекаётганлар, афсуски кўпайиб бормоқда, – деди вилоят "Истиқбол ёшлар қаноти" бўлими етакчиси Илмижаҳон Тлеубергенова. – Шу боис, "Истиқбол ёшлар қаноти" вилоятнинг барча туманларида шу иллатга қарши кураш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқди ва ҳудудларда семинар-тренинглар ташкил этмоқдамиз.

Тадбир сўнгида одам савдосидан жабр кўрганлар ҳаёти акс этган видеоролик ҳамда фильм намойиш этилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

Ёнғин хавфсизлиги

# ОБОДОНЛАШТИРИШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ

**Маълумки, кейинги вақтларда маҳаллаларда профилактика инспекторларининг ишига катта эътибор қаратилмоқда. Улар фаолиятида ижобий натижаларга эришиш мақсадида, ҳар бир маҳаллада милиция таянч пунктлари ташкил этилди.**

Ана шу пунктларда ҳам биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига алоҳида хоналар ажратилишига эътибор қаратмоқдамиз. Шу хоналарда улар ҳамкорликда ёнғин хавфсизлиги бурчакларини ташкил этишмоқда. Бундан ташқари, профилактика инспекторлари ҳам ёнғин ўчирувчиларга хонадонларда содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Улар ўз хизмат вазифалари юзасидан хонадонларга ташриф буюришганида ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳолатларни ҳам назорат қилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан ўт ўчирувчиларга маълумотлар бериб туришибди.

**Жамшид ТЎЛАБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ смена бошлиғи.**


ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги таълим мауассасанинг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | Қибрай тумани, Май қишлоғи |
| 2. | Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи | Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, Ш. Рашидов кўчаси, 6-уй |

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КҲКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ТАНЛОВ эълон қилади:

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

1. Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи;

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

2. Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
3. Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежи;
4. Янгийўл транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи;
5. Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;
6. Олмалиқ essential кончилик касб-ҳунар коллежи;

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари;

7. Чирчиқ техника касб-ҳунар коллежи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ҚАЙТА ТАНЛОВ эълон қилади:

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари;

1. Зангиота агросаноат касб-ҳунар коллежи.

Директор ўринбосари лавозимига танловида иштирок этувчи номзодлар:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига КҲКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Таржимаи ҳол (қўл ёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектори томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассаса томонидан дипломининг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусҳаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.**

## 20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

RMM

"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади.

Телефон: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

### "Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят Хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилоят Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. "КРАЗ-255Б1-КС-4574А" русумли, давлат рўйхатидан ўтмаган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган 20 тоннали юк автомашинаси. Бошланғич баҳоси - 41 097 000 сўм. 2. "Камаз-541000" русумли, давлат рақами 10 301 NAA бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган юк автомашинаси. Бошланғич баҳоси - 24 642 000 сўм. 3. "Одаз-9370" русумли, давлат рақами 10 1468 АА бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган тиркама. Бошланғич баҳоси - 7 798 000 сўм.

II. Савдога Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар судининг 09.03.2015 йилдаги 78-сонли йиғма ижро ишига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳар Чирчиқ махсус савдо ХК омборхонасида сақланаётган тиббий техника воситалари қўйилмоқда. 1. "Liston C 2204 classik №0005-13" лаборатория центрафугаси. Бошланғич баҳоси - 3 840 000 сўм. 2. "ТС-1/80 СПУ №41700" термостад. Бошланғич баҳоси - 5 006 000 сўм. 3. "УЗТ 1.01.Ф-М1". Бошланғич баҳоси - 1 520 000 сўм. 4. "HY5511" русумли УЗИ аппарати. Бошланғич баҳоси - 26 778 490 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 7 сентябрь куни соат 18:00. Автотранспорт воситалари ва тиббий техника воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Телефон: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

### "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 27 август куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: Тошкент вилоят хўжалик судининг 14.04.2015 йилдаги 11-1435/11397-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси - 10 567 086 608 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хўжакент ҚФЙ, Қоранқул қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 0,87 га, қурилиш ости майдони 2582,14 кв.метрдан иборат "Дам олиш маскани". ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.11.2012 йилдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига ҳамда 04.12.2012 йилдаги 12489-сонли ижро ишига асосан бошланғич баҳоси - 462 136 590 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимган ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 881,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 295,5 кв.метрдан иборат бўлган "Дала ховли". Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган холда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173.

**Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларда мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел.: (0 371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24. Лицензия: RR-0001.**

### "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги № 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Ғазалкент-Стоун" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси жойлашган 11-уй, 3-хонадон, умумий фойдали майдони 53.60 кв.м., умумий яшаш майдони 27.60 кв.м бўлган 2 хонали тураржой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 32 182 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 7 сентябрь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

### "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 09.01.2015 йилдаги 1-3263/14-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 182 442 496 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қора-Қамиш 2/1-даҳасида жойлашган, умумий майдони 210,0 кв.м.дан иборат бўлган "нотурар куринишдаги бино" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдоси 2015 йилнинг 25 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Байрамолди учрашувлари

# МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ

**Мустақиллигимизнинг кутлуғ 24 йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан хур диёримизнинг барча ҳудудларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Улардан бири республика маънавият-тарғибот маркази, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида Бекобод шаҳрида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Менинг Ўзбекистоним" мавзуида уюштирилди.**





Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар, режиссёр ва актёрлар – хуллас, жамият тараққиётига дахлдор барча фидойилар ва ёшлар иштирок этган тадбирда Бекободнинг истиқлол йилларидаги тараққиёти, амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳолига, айниқса кексалар ва ёшларга яратилаётган қулайлик ва имкониятлар, болалар спорти ва мусиқа санъати ривожи, энг азиз ва муқаддас байрам – истиқлол шарофати, юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги катта байрам концерти кексаю ёшга хушкайфият, кўтаринкилик бахш этди.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**



**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Қадимий Чоч маданий мероси" деб номланган кўргазма очилди. Унда Тошкент вилоятидаги Қонқа ҳамда Қоршовултепа қадимий ёдгорлик мажмуалари топилмалари намойиш этилмоқда.**

# ҚАДИМИЙ ТОПИЛМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларда бой тарихий-маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини кенг тарғиб этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Халқаро маданият карвонсаройида тарихий қадамжолар, шаҳристонлар, ёдгорлик мажмуаларига археологик экспедициялар уюштириш, уларни ўрганиш, қадимий топилмаларни қайта тиклаш, умрини узайтириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур кўргазмада археолог олимлар томонидан Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Қоршовултепа ҳамда Оққўрғон туманидаги Қонқа ёдгорлик мажмуаларига ўтказилган экспедициялар натижасида топилган қадимий ашёлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Ушбу ёдгорлик мажмуаларига тааллуқли бадиий безаклар, тангалар, уй-рўзғор буюмлари, сопол идишлар қадимий Чоч тарихини янада бойитиш билан бирга, азалдан диёримизда турли миллат ва элатлар ҳамжиҳатликда истиқомат қилганидан дарак беради.

Кўргазма доирасида ташкил этилган давра суҳбатида Халқаро маданият карвонсаройида ўтказилаётган илмий экспедицияларнинг аҳамияти, қадимий ёдгорлик мажмуалари, у ерда олиб борилаётган илмий изланишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

**Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Болалар ёзи

# МАВСУМ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

**Бу йил ёз мавсумида вилоятдаги мавжуд 20 та стационар болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 14 минг 814, халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактабларда ташкил этилган 130 та кундузги орамгоҳларда 17 минг 500 бола дам олиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача асосий қисми дам олиб қайтди. Шунингдек, Хоразм вилоятидан 1250 бола қабул қилиниб, мароқли дам олдирилди.**





Кенгаш мавсумни ҳар томонлама намунали ташкил этиш мақсадида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар бир оромгоҳда кутубхона, турли йўналишдаги фан, санъат ва меҳнат тўгараклари, маданият ва маърифат хоналари ташкил этди. Албатта, дам олиш масканларида хавфсизликни таъминлашга асосий масала сифатида ёндашилмоқда. Шу мақсадда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг тун-кун навбатчилиги ташкил этилди.

Оромгоҳларда ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари режаси асосида ташкил этилаётган турли кеча ва тадбирлар, ижодий-интеллектуал викториналар, таниқли санъаткор, адиб ва шоирлар билан учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЗАВҚЛИ ТААССУРОТЛАР, ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

**Ҳар қайси жамият ёруғ келажагини баркамол авлод тимсолида кўради. Бинобарин, эртамиз давомчиларининг муносиб шарт-шароитларда ўқиб-ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, касб-ҳунар эгаллаши, иқтидор ва маҳоратини намойиш этиши, бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиши учун кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, поёнига етиб бораётган ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам шу эътиборнинг юксак намунаси бўлди, десак янглишмаймиз.**

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги "Ниҳол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бу мавсум 750 кичкинтой мазмунли ҳордиқ чиқариб қайтди. Пурвиқор Чотқол тоғ тизмалари этагидаги сўлим Юсуфхона қишлоғида барпо этилган мазкур муассаса чет тиллари, хусусан, инглиз тилини ўрганишга ихтисослашган бўлиб, кичкинтойларнинг ҳар тамонлама мазмунли ҳордиқ чиқаришлари, мактабда ўрганган назарий билимларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Кўркам боғ-роғлар, замонавий ошхона, кўнгилочар хиёбон, спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, шунингдек, маънавият ва маърифат маскани, шинам кутубхона дам олувчилар ихтиёрида бўлди.

– Мавсум мобайнида болажонларимизнинг интеллектуал қобилиятини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни узлуксиз ўтказиб боришга ҳаракат қилдик, – дейди оромгоҳ раҳбари Иброҳим Нурматов. – Инглиз тили машғулотларини ўтиш учун Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш ҳамда Жаҳон тиллари университетларининг энг иқтидорли талабалари жалб этилди. Бундан ташқари, гуруҳлар ва қўшни оромгоҳлараро маърифий беллашувлар, спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилгани кичкинтойларимиз ёдида узоқ сақланиб қолса ажабмас.

Шуниси эътиборлики, шундай муассасаларда ҳордиқ чиқараётган болажонлар аввалдан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, кўплаб бадиий-мусиқий тадбирлар, қизиқарли ижодий учрашувларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлишмоқда. Уларда санъат усталари, иқтидорли ижрочи ёшлар, таниқли олимлар, моҳир ёзувчи ва шоирлар қатнашаётир. Бундай дастурлар болажонлар дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал салоҳиятини бойитиш баробарида мурғак дилларда ватанпарварлик, мардлик ва шижоат, меҳр-оқибат каби соф инсоний туйғуларнинг камол топишига хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан маълум қилишларича, мавсум давомида табиат қўйнидаги 20 та болалар дам олиш масканида 14 минг 800 дан ортиқ ўғил-қиз соғломлаштирилди.

– Бу аввалги йиллардагига қараганда анча кўпдир, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Шаҳноза Одилхонова. – Барча мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги яқин ҳамжиҳатлик мавсумни юқори даражада ташкил этишда муҳим омил бўлди.





**Алишер МУРОДОВ.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




## БЕШ ЮЗ ЎН БЕШ КУНДАН СЎНГ...

**Экспертлар Ҳинд уммонида, Франциянинг Реюньон оролидан топилган самолёт бўлакларини текшириб, унинг MH370 рейс бўйича парвоз этиб, сўнг бедарак йўқолган самолётга тегишли эканини айтдилар.**

Бироқ, Би-би-си агентлиги берган хабарда франциялик прокурор экспертларнинг хулосаси ҳали тасдиқланмаганини таъкидлади. Прокурорнинг айтишича, самолёт қолдиқлари ҳали атрофлича ва чуқур ўрганилганидан сўнгина расман тасдиқланади.

Малайзия бош вазири Нажиб Раззоқ таъкидладики, топилган самолёт бўлаклари ўтган йили йўқолиб қолган Boeing 777 ҳаво лайнерига тегишли. "Бугун, орадан 515 кун ўтиб, афсус-надомат билан айтаманки, халқаро экспертлар жамоаси Реюньон оролидан топилган самолёт қисмлари ҳақиқатан ҳам MH370 рейси билан парвоз қилган самолётга тегишли эканини тасдиқлашганини айтмоқчиман", деди у.

Malaysia Airlines компаниясининг Boeing 777 самолёти, маълумки, 2014 йил 8 март куни Куала-Лумпурдан Пекинга йўл олиб, йўналишдан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган эди. Унинг бортида 239 йўловчи ва экипаж аъзолари бўлган.

## 80 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИ БОЙВАЧЧА

**Американинг Forbes журналининг таъкидлашига кўра, Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтс IT-индустриясининг энг бадавлат арбоблари рўйхатини бошқарди. 100 кишидан иборат рейтинг маълумоти Forbes сайтида эълон қилинди.**

Журналнинг маълумотларига қараганда, 59 ёшли Гейтснинг айни кундаги шахсий маблағи 79,6 миллиард доллар бўлиб, у дунёдаги энг бой киши ҳисобланади. Рўйхатдаги иккинчи ўринни эса компьютер дастурлари билан таъминлаш компаниясининг 70 ёшли асосчиси Ларри Эллесон эгаллаб турибди. Унинг маблағи 50 миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда. Учинчи ўрин эса йирик Amazon онлайн-дўконнинг асосчиси ва бошлиғи Жеффи Безосга тегишли (47,8 миллиард доллар).

Рўйхатдаги 100 бойваччанинг 51 нафари Америкага қарашли. Умуман, рўйхатдаги жами бойваччаларнинг капитали 842,9 миллиард доллар.

## КИНОТЕАТРДА ҚУРОЛЛИ ҲУЖУМ

**Американинг Теннесси штати Нэшвилл шаҳри чеккасидаги кинотеатрда томошабинларга қурол билан ҳужум қилган шахс сумкасидан портловчи қурилманинг қолипи топилгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**

Тахминан 29 ёшларда бўлган жиноятчи томоша чоғида залга кириб келган полициячиларга қарши ўқ ота бошлади ва шу заҳоти отиб ўлдирилди. Нэшвилл шаҳри метрополи полицияси бошлиғи Стив Андерсоннинг сўзларига қараганда, ҳукумат қуролланган жиноятчининг исм-шарифини ҳозирча ошкор этолмайди. Чунки ҳали бир қатор экспертиза тадбирларини ўтказиш зарур. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жиноятчи полициячиларга қарата ўқ узган қуролни топишганича йўқ.

## ХАВФЛИ КЛАН ЕТАКЧИСИ ВАФОТ ЭТДИ

**АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги мафияга алоқадор оила етакчиси 91 ёшида ҳозирча номаълум сабабларга кўра, вафот этганини маълум қилди Associated Press агентлиги.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қўлидаги маълумотларга қараганда, марҳум Рижи узоқ муддат де-Кавалканте мафиоз тўдасига етакчилик қилган. Шу давр давомида у бир неча бор қотиллик, юлғичлик каби жиноятлари учун қамоқ жазоларига ҳукм қилинган. Жумладан, у 2003 йилдаги сўроқ жараёнида Нью-Йоркда 1989 йилда йирик бизнесменлардан бирини ўлдирилганига алоқадор эканини расман тан олди.

Рижи қамоқда ётган кезларида ҳам қотилликлар уюштиришни давом эттирган. Кўплаб бизнесменлар ҳақида маълумотлар тўплаб, ўзи алоқада бўлган касаба уюшмаларига фармойишлар бериб турган. Маълумки, "Сопрано Клани" деб номланган сериал 1999 йили эфирга узатилиши биланоқ ўша даврнинг фавқулодда маданий ҳодисасига айланиб, жуда оммалашиб кетди ва танқидчиларнинг шов-шувларига сабаб бўлди. Унда мафияга оид ҳаёт, умуман, Америка оилаларидаги муҳит, одам руҳига тажовуз, шунингдек, ахлоқ-одоб чегараларидан чиқиш ҳолатлари янгича мазмунда ёритилган эди.

## ЭБОЛА БЕЗГАГИ ЖИЛОВЛАНАДИМИ?

**Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ўтган ҳафта ичида эбола безгагига чалинган беморлар кескин камайиб кетди.**

Ташкилот бош директори ўринбосари Брюс Эйнвордннинг баён этишича, эбола энг кўп тарқалган Сьерра-Леоне ва Гвинея мамлакатларида фақат биттадан беморга шундай ташҳис қўйилди. Либерияда эса умуман бирор бемор рўйхатга олинмади.

Эйнворднинг фикрича, шу йилнинг охирига бориб, эбола тарқалишининг олдини олишга эришиш мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, вирусга қарши икки хил вакцина дала шароитида тўрт минг кўнгилли кишилар иштирокида синаб кўрилганда, ҳеч бирига хавфли безгак вируси юқмади. Бироқ, эбола хуружи бартараф этилганидан сўнг ҳам камида бир йил давомида ҳушёрликни йўқотмаслик, тезкор гуруҳ фаолиятини сақлаб туриш лозим бўлади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 25 август куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Миробод туман судининг 21.05.2014 йилдаги 1-130/2014-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, "Мариам Текстил Сервис" МЧЖда сақланаётган, 2006 йилда и/ч, д/р 01М028НА, "ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 31 763 340 сўм. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; Чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99895) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари ҳарбий қисмларига қуйидаги ишчи ўринларга таклиф этади:

1. Экскаватор ҳайдовчиси;
2. Юкловчи экскаватор ҳайдовчиси;
3. Автокран ҳайдовчиси;
4. Ер ҳайдовчи трактор ҳайдовчиси;
5. Бульдозер ҳайдовчиси;
6. Махсус юк машиналари ҳайдовчиси;
7. Махсус ер кавловчи мутахассис (бурильщик);
8. Мутахассис-қурувчи;
9. Қурилиш соҳаси бўйича иш юритувчи;
10. Мутахассис-пайвандчи ва электрик.

Ойлик маош 600-700 минг сўм.

Мурожаат учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 3-А уй. Телефон: (0-371) 223-99-57; Тошкент вилояти, Зангиота тумани. Телефон: (0-370) 223-21-07, 220-34-27; Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри. Телефон: (0-370) 913-29-20, 913-17-15.

Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сонли академик лицей томонидан 2013 йилда XEGAY EVELINA GEORGIYEVNA номига берилган L № 188440 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 06.03.2015 йилда № 008417-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PREMIUM IDEAL GAZ" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 17.05.2011 йилда № 006026-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RAPID STANDART GROUP" (ИНН 301996120) МЧЖнинг ҳуқуқий мақоми "RAPID STANDART GROUP" хусусий корхонасига ўзгаришини ҳамда устав жамғармаси 3 000 000 сўмдан 1 500 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 354-42-05.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3613. Адади 8088. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20.